# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 65 (9.257) 1999 йил 7 июнь, душанба ◆ Сотувда эркин нархда





**Саноат**

## ЯНГИ МАҲСУЛОТЛАР

***«Тошкент лак-бўёқ заводи» ҳиссадорлик жамияти жамоаси бозор иқтисодиёти шароитидан келиб чиқиб сифатли ва импорт ўрнини босувчи бўёқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлида изланмоқдалар. Айни кунларда корхонада 20 хилдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.***

Ҳиссадорлик жамиятида тайёрланаётган бўёқ маҳсулотлари нафақат мамлакатимизда, балки Россия ва Қозоғистон давлатларида ҳам харидоргирлиги билан ажралиб туради.

— Бугунги бозор иқтисодиётида изланиб ва интилиб саъй-ҳаракат кўрсатган жамоагина муваффақиятга эришади, — дейди корхона раҳбари Раҳматилла Рўзақулов. — Шу боис ҳам корхонамиз мутахассислари ҳам доимо изланишда. Янги маҳсулотлар яратиш йўлидаги изланишларимиз ўз самарасини бермоқда. Биноларнинг ташқи кўринишларини безаш учун ишлатиладиган турли рангдаги бўёқлар ҳамда резина-техника буюмлари учун фойдаланиладиган пигментлар ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқдамиз.

Корхонада ишлаб чиқарилаётган пигментлар учун хом ашё Олмалиқ кон-металлургия комбинатидан келтирилмоқда. Жамоа аъзоларининг бош мақсади — ўз маҳсулотларини четга — жаҳон бозорига олиб чиқишни таъминлашдир.

*Дилфуза ҒОФУРОВА.*

**Қурилиш**

## ҚЎШ БАЙРАМНИ НИШОНЛАШАДИ

***Пойтахтимизда кейинги йилларда замонавий ва кўркам турар жой бинолари қад ростлаб, кўплаб оилалар янги уйларга кўчиб ўтиб, барча қулайликлардан мамнун бўлаяптилар. Бундай биноларни бунёд этишда қўли гул қурувчиларимизнинг, уларни қурилиш маҳсулотлари билан таъминлаётган корхоналарнинг ва албатта, кўркаму шинам иншоотлар лойиҳачиларининг ҳам ҳиссалари салмоқлидир.***

Айни кунларда шаҳримизнинг Проектная ҳамда Беруний кўчалари туташган жойда бунёд этилаётган 3-турар жой биноси ҳам фикримизнинг яққол далилидир. Бино лойиҳа бўйича 9 қаватдан иборат бўлиб, 83 хонадонга мўлжалланган. Бу уйда яшовчилар учун айни куннинг барча қулайликлари эътиборга олинган. Хонадонлар кенг ва шинам, шиплари баланд, катта ва кичик айвонлари бор.

Умумий майдони 6 минг квадрат метрни ташкил этган бу турар жой биносини 2-уйсозлик комбинатининг 61-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари қуришмоқда. Бошқарма қурувчилари бор маҳоратларини ишга солиб 2 сменада меҳнат қилишмоқда.

— Қурувчиларимиз турар жой биноларини бунёд этишда етарли тажрибага эга, — дейди ишбоши Виктор Кащенко, — шу билан бирга қурилиш ишларида бугун бўлаётган ҳар қандай янгиликни ўрганишга, илғор тажрибаларни оммалаштиришга ҳаракат қиламиз. Ҳозирда шаҳримизда уйларни қисмларга бўлиб бунёд этиш амалга оширилмоқда. Биз ҳам қисқа муддатларда ушбу бинонинг бир қисмини битказиб, томини ёпдик. Иккинчи қисмининг бешинчи қаватида тиклаш ишларини давом эттирмоқдамиз. Айниқса, Дмитрий Кукин етакчилигидаги бригада қурувчилари алоҳида ғайрат билан ишламоқдалар. Бунинг боиси илғор бригада бошлиғи ҳар бир ишда қурувчиларга ўрнак ҳамда кўмакдош.

— Бригада аъзоларимизнинг барчаси ғайратли йигитлар, — дейди бригадир Дмитрий Кукин ҳам суҳбатга қўшилиб. — Иш режамизни баҳамжиҳат ҳал этамиз. Уйларни эса хонадон эгалари кўнглидагидек пухта ва шинам қуришга, ҳар бир нозик томонларини ҳисобга олишга интиламиз. Ҳозирда аҳоли мамнун яшаётган 44-, 91-, 161-уйларни қуришда ҳам фаол иштирок этдик. Мақсадимиз одамлар биз қураётган уйларда яйраб яшасинлар.

Қурувчилар бу турар жой биносини Мустақиллигимизнинг 8 йиллиги арафасида фойдаланишга топшириш ниятидалар. Шунинг учун ҳам ҳар бир кундан унумли фойдаланишмоқда. Насиб этса, бахтиёр оилалар янги уйларда қўш байрамни нишонлашади.

*Шоира ИСАЕВА.*

**Тарбия маскани**

## МАҲАЛЛАНГ — ОТА-ОНАНГ

*«Менинг энг катта ишончим ёш авлоддир. Замонавий билимга эга, одобли, илмли, кўрсанг ҳавасинг келадиган, баркамол ва шижоатли фарзандларимиздир. Мен ўзимнинг тақдиримни ҳам, мамлакатимиз ва мустақиллигимиз тақдирини ҳам ана шуларнинг қиёфасида кўраман».*

**Ислом КАРИМОВ**

Бағрикенглик, тантилик, кечиримлилик — халқимизга хос бўлган фазилат. Бундай юксак инсоний мурувват тўғри йўлдан адашган баъзи ёшларнинг хатоларини тан олиб, ўзларининг хатти-ҳаракатлари оқибатларига тўғри баҳо беришга ундайди. Уларни айбга иқрор бўлиш ва бошқа гуноҳ қилмасликка чорлайди. Жаҳолатга қарши маърифат билан жавоб қилиш, деганлари ҳам аслида мана шунда ўз ифодасини топади. Шундан келиб чиқиб Тошкентимизнинг кенг жамоатчилиги, маҳаллий ҳокимликларининг маҳаллалар аҳли билан биргаликда жойларда тез-тез ўтказилаётган учрашувларда ёшлар ўртасида кенг тушунтирув ишлари олиб борилмоқда. Бунда асосан диний экстремизмнинг олдини олиш, аҳоли, хусусан ёшларни ақидапарастликка берилмаслик муаммолари муҳокама этилмоқда. Тожикистоннинг Ғарм туманида содир этилган фожеавий воқеаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шундай учрашувлардан бири яқинда шаҳримизнинг Яккасарой туманида жойлашган «Қушбеги» маҳалласида ўтказилди. Маҳалла фаоллари ва туман «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик ташаббуси билан ташкил этилган бу йиғилишга «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунда белгиланган фуқаролар йиғини кенгаши ва оқсоқолнинг ваколатлари тўғрисидаги масала мавзу қилиб олинган бўлса-да, асосан гап маҳалла ёшлари ва уларнинг тарбиясида маҳалла фаолларининг роли ҳақида борди.

— Йиғилишнинг айнан шу туманда ўтказилиши бежиз эмас. Чунки 16 февраль воқеалари иштирокчилари туманимизда жойлашган Маҳмуд Форобий ва Абдулла Қаҳҳор кўчаларидаги баъзи бир хонадонларга катта зиён етказишди. Очиғини айтганда, бундай нохушликларнинг содир бўлишида ушбу маҳалла фаолларининг, барчамизнинг ҳам айбимиз бор, — дейди учрашувда биринчи бўлиб сўз олган туман ҳокимининг ўринбосари Рашот Иноғомов. — Биз бунгача ҳам бундай йиғилишларни Муқимий ва «Тўқимачилар» маҳаллалари фаоллари ўртасида ўтказдик. Бундай дўстона суҳбатлар самараси туфайли баъзи бир адашиб, ақидапарастлик кайфиятига берилиб қолган ёшларимиз ўз хатоларини тан олиб, виждон амри билан кечирим сўраб келмоқдалар. Мана бир мисол, яқинда туманимизда истиқомат қилувчи «Хизбут-т-таҳрир»чилар таъсирига тушиб қолган Атҳам Шермуҳамедов деган йигит эл-юрт олдида кечирим сўраш истагида тавба-тазарру билан олдимизга келди. У билан суҳбатда дунёвий илмларни чуқур ўрганмаслик баъзи ёшларимизни шундай ножўя ҳолатларга тушиб қолишларига сабаб бўлаётганлигини яна бир бор ҳис этдик. Донишмандларимиздан бири «Ҳар қандай адашишларнинг сабаби илмсизликдур» деганида минг бора ҳақ экан.

— Биз қайси юртнинг фарзандимиз. Имом ал-Бухорийдек буюк ҳадисшунос алломаю Аҳмад ал-Фарғонийдек жаҳонга таниқли олим, Амир Темурдек машҳур саркардалар ўтган бу юртга яна кимлар динни тарғиб қилишмоқчи, — дея сўз бошлади исломшунос олим Сарвар Абдуллаев. — Аҳли жамоа қани айтингчи, кўчадан ўтиб бораётган тобутга елка тутмайдиган, «Оллоҳу акбар» деган дуога қўл очмайдиган, пайғамбаримизнинг барча кўрсатмаларига амал қилмайдиган одам борми бизда? Ислом беш шартдан иборат эканлигини бугунги кунда ким билмайди дейсиз. Шундай экан, яна қайси диндорлар бизга ҳукмронлик қилишмоқчи? Улар баъзи ёшларимизни соддадиллигидан фойдаланиб, оқни қора, қорани оқ демоқчи ва бунга уларни ишонтирмоқчи бўладилар. Асл ниятлари эса шу йўл билан халифаликни тиклаш. Хўш у бизга нега керак? Бизга нима беради? Бу саволлар ҳар қандай онгли инсонни мушоҳадасидан аллақачонлар ўтиб бўлганини, бундай исломий тузум бизга бутунлай ёт эканлиги ҳақиқат чиғириғидан ўтганлигини улар англаб етишмаяпти.

Шундан кейин олим йиғилганлар диққатини исломнинг моҳияти, 16 февраль воқеалари ва қўшни республика — Тожикистонда бўлаётган сиёсий можароларга қаратди.

— Бугун муҳокама этилаётган масала ўта долзарблиги билан ажралиб туради, — дейди Тошкент шаҳар «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари Садир Салимов. — Қолаверса, ҳар бир яхши-ёмон ишлар ҳам маҳалла кўз ўнгида содир бўлади. Шундай экан, ўз-ўзидан савол туғилади. Маҳалла фаолларининг кўзлари қаёққа қараяпти ўзи? Нега улар ўз ҳудудларида рўй бераётган баъзи бузғунчиликлардан бехабар. Президентимиз фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органларига жуда катта эътибор қаратаяптилар. Ахир бекорга ҳам маҳалланг — ота-онанг дейилмайди. Чунки ҳар бир ёш фуқаронинг касб-кори, хатти-ҳаракати биринчи навбатда маҳалла ва унинг фаоллари эътиборида бўлиши керак. Лоқайдликни бас қилайлик. Миллатимизнинг илғор, фидойи кишиларидан ўрнак олайлик. Ўзбек халқи ор-номуси, меҳмондўстлиги билан машҳур. Хорижликлар бизнинг бу хислатларимизга азалдан тан бериб келишади. Шундай фазилатли юртда ғаламисларнинг пайдо бўлиши маънавий қадриятларимизу шуҳратимизга доғ туширади. Улар аввало шуни билиб қўйсинларки, ҳар бир жиноят ҳеч қачон жазосиз қолмайди. Фикрнинг исботи учун узоққа боришнинг ҳожати йўқ. Ўзбекистон Республикаси Олий судида шу йилнинг 16 февраль куни Тошкентда содир этилган оғир жиноятлар иштирокчилари — 22 нафар шахсга нисбатан очиқ суд жараёни бошланганлигини айтиб ўтмоқ кифоя.

Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Рихситилла Акромов ўз нутқини асосан Тожикистон воқеаларига қаратди.

— Президентимиз ҳамиша бизни огоҳликка даъват этиб туришлари бежиз эмас. Юртбошимизнинг бу фикрлари нақадар тўғрилигини ҳар қадамда сезиб, ҳис этиб турибмиз. Юрт бузғунчилари ўзларини қанчалик қўй оғзидан чўп олмайдиган қилиб кўрсатишмасин уларнинг асл башаралари аста-секин очилиб қоляпти. Яқинда ана шундай ёвуз кимсаларнинг Тожикистонда содир этган хунрезликларини эшитиб, даҳшатга тушдик. Бир пайтлар алдов йўли билан жангарилар сафига киритилган, аммо Президентимизнинг сўзларидан кўзлари очилиб, халқ олдида кечирим сўраш учун ортларига қайтаётган юртдошларимизни ваҳшийларча ўлдирган жаллодларнинг гуноҳларини худо ҳам, бандаси ҳам кечирмайди. Мана шу мисолнинг ўзиёқ ҳаммамизни хушёрликка, атрофимизда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан онгли муносабатда бўлишга ундайди.

Йиғилиш қизғин давом этаётган паллада залдан «Менга сўз беринг» деган овоз эшитилди. Ҳамманинг нигоҳи минбар томон бораётган ёшгина йигитга қаратилди.

— Отим Фахриддин. Фамилиям Жалилов, — деди у ўзини таништириб. — Мана шу маҳаллада яшайман. Мен ҳам билиб-билмай «Хизбут-т-таҳрир»чилар таъсирига тушиб қолганлардanман. Соддадиллик қилиб шу жараёнда бир қанча вақтгача юрдим. Кейин бу гуруҳнинг мақсади нима эканлигига тушуниб қолдим.

Президентимизнинг телевизор орқали адашиб, нотўғри йўлга кириб қолганлар хатосини тушуниб, ўз ихтиёрлари билан кечирим сўрашса уларнинг гуноҳидан ўтамиз, деган сўзларини эшитиб айбимга иқрор бўлиб кечирим сўрадим. Мени тўғри тушунишди. Бундан кейин адашмаслигимни уқтиришди. Ҳозир кўнглим хотиржам. Барча ҳамшаҳарларим қатори юртимиз тинчлиги, фаровонлиги йўлида хизмат қилиб юрибман.

Йиғилишда сўз олган жамоатчилик вакиллари йиғилиш қатнашчилари эътиборини фидойиликка, она Ватанни чин дилдан севишга, кун сайин гуллаб-яшнаб бораётган юрт фарзандлари қалбида фидойилик туйғусини тобора мустаҳкамлашишга қаратдилар. Туман ҳокими Алишер Мирқосимов эса маҳалла катта куч эканлиги, унинг оқсоқолу фаоллари ўз зиммаларига юклатилган масъулиятли вазифага сидқидилдан ёндошишларини уқтирди.

Шундан кейин туман «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази раҳбари Зиёд Давронов ва «Қушбеги» маҳалла фаоллари сўзга чиқиб, муҳокама этилган масала юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

*Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.*

*СУРАТЛАРДА: йиғилишдан лавҳалар акс эттирилган.*

*Рустам Шарипов олган суратлар.*





# ДАВР САДОСИ

«Тошкент оқшоми»

*Барча манбалардан олинган сўнгги ахборотлар*

## МАМЛАКАТИМИЗДА

◆ Андижон вилоятида Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси фаолиятини такомиллаштириш вазифаларига бағишланган икки кунлик республика илмий-амалий семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

◆ Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Иброҳим Мўминов номидаги фалсафа ва ҳуқуқ институтида «Мустақил Ўзбекистон: фалсафа ва ҳуқуқ фанларининг долзарб муаммолари» мавзуида республика олтинчи анъанавий илмий-назарий конференцияси бўлиб ўтди.

◆ Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент давлат университетида Ўзбекистон миллий география илмига салмоқли ҳисса қўшган марҳум олим, профессор Ҳамидулла Ҳасановнинг 80 йиллик таваллудига бағишланган илмий анжуман бўлиб ўтди.

◆ Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳамда Франциянинг Ўзбекистондаги Тил ва таълим маркази ҳамкорлигида «Мен нечун севаман франг тилини» байрам тантанаси бўлиб ўтди.

◆ Фарзандларимизни ёшликдан она табиатга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Қарши шаҳрида уюштирилган «Гуллар ва қушлар байрами» ана шу мақсадга хизмат қилади.

◆ Бухоро вилоят маҳаллий саноат тизимига қарашли корхоналар яна биттага кўпайди. Қоракўл туман марказида 4-5-нав пахта толасини қайта ишлайдиган фабрика фойдаланишга топширилди.

◆ Республика Бадиий Академиясининг кўргазмалар залида таниқли рассом Акмал Нуриддинов асарлари кўргазмаси очилди.

◆ Ўзбекистон Бадиий Академияси марказий кўргазмалар залида «Ўзбекистон рассомлари ижодида Пушкин тимсоли» мавзусида кўргазма очилди.

## ЖАҲОНДА

◆ Югославия теварагидаги тинчликни бартараф этиш бўйича музокараларнинг асосий иштирокчилари — Россия Федерацияси Президентининг Югославия бўйича махсус вакили Виктор Черномирдин, Финляндия Президенти Мартти Ахтисаари, шунингдек, АҚШ давлат котибининг биринчи ўринбосари Строуб Тэлботт яна Хельсинкида ушбу можарони бартараф этиш муаммоларини муҳокама қилиш учун учрашдилар.

◆ **Бугун** Страсбургда халқаро суд Москва шаҳри мэри Юрий Лужков ва Москва шаҳар Думасининг раиси Владимир Платоновга нисбатан қўйилган айбни кўриб чиқишни бошлайди.

◆ Хитойнинг шимолий-ғарбий ҳудудида ёши 140 миллион йилга тенг бўлган тош қотган гул топилди.

◆ Сингапурда ажойиб футбол турнири бўлиб ўтди. Унга Япония, Австралия, Янги Зеландия, АҚШ ва Швециядан футболчи — роботлар ташриф буюришди. Турнирда иштирок этган 21 команданинг ҳар бири ўз электрон роботи моделларини намойиш этишди.

◆ Миср халқ йиғини президент лавозимига мамлакатнинг ҳозирги раҳбари Ҳусний Муборак номзодини илгари сурди.

◆ Нигерияда элатлараро қуролли тўқнашувлар туфайли ҳафта бошидан буён 200 дан зиёд одам ҳалок бўлди.

◆ Исроил ҳарбий авиацияси яна «Хизбуллоҳ» мутаассиб ташкилотининг Лубнон жанубидаги қароргоҳини бомбардимон қилди.

◆ Ироқ ҳукумати «Нефть эвазига озиқ-овқат» битимига таяниб, 1 миллиард АҚШ доллари миқдорида нефть сотиш тўғрисидаги бир неча шартномани имзолади.

◆ Туркиянинг Текирдаг вилоятида бўлиб ўтаётган футбол мусобақаси пайтида яшин уриб бир ўйинчи ҳалок бўлди. Тўрт ўйинчи эса оғир жароҳат билан касалхонага ётқизилди.

◆ Футбол қироли Пеле футбол бўйича жаҳон чемпионатининг 2006 йилда Бразилияда ўтказилишига қарши чиқмоқда. Бунга у мамлакатнинг иқтисодий кўрсаткичлари салбий эканлигини рўкач қилаётир.

## ГИЁВАНДСИЗ ДУНЁ

Ҳар йили 26 июнь куни жаҳон ҳамжамияти Гиёвандликка қарши халқаро кунни нишонлайди. Шу куни дунёнинг турли мамлакатларида «Гиёвандсиз дунё» шиори остида турли хайрия тадбирлари ўтказилади.

Бу тадбир аҳолининг кенг қатламига мўлжалланган бўлиб, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ва гиёвандлик мамлакат келажаги ҳамда ҳар биримизнинг тўлақонли ҳаётимизга мос эмаслигини тушунтиришни мақсад қилиб қўйган.

Соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ва гиёвандликка қарши курашиш учун маблағ керак. Ана шу мақсадларда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Тошкент шаҳар ҳисоб-касса марказида хайриялар йиғиш учун 21506000200779778002 рақамли ҳисоб рақами очилди.

Бугунги кунда шу нарса аёнки, гиёвандликсиз соғлом турмуш тарзи учун жамоатчилик фикрини пайдо қилиш фақатгина бутун жамият иштирокида амалга ошади. Шунинг учун «Гиёвандликсиз дунё» хайрия тадбирида иштирок этиш барча меҳнат жамоалари, ташкилотлар, маҳалла аҳолиси, барча фуқаролар ишидир.

## ИҚРОР

Ўзбекистон Республикаси Олий судида шу йилнинг 16 февраль куни Тошкентда мамлакат Президенти ва бошқа давлат раҳбарларини жисмоний йўқ қилиш, конституциявий тузумга қарши кўпорувчилик ва бошқа ўта оғир жиноятлар содир этганликда айбланаётган 22 нафар шахс устидан очиқ суд жараёни давом этмоқда.

Судланувчи Зикиржон Ҳасанов шу йилнинг 16 февраль куни Тошкентда амалга оширилган террорчилик ҳаракатининг иштирокчиларидан бири сифатида айбланмоқда. У шу куни Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати биноси ёнида кучли портлашни таъминлашда иштирок этган.

Зайниддин Асқаров ҳам мустақил мамлакатимиз манфаатига зид ҳаракатларни содир этган. У террорчилик ҳаракати ташкилотчиларининг хориждаги вакили бўлган. Бу шахс чет элда яшаб, мамлакатимизга қарши фаолият кўрсатаётган айрим шахсларни маблағ билан таъминлаб турган.

Судланувчилардан яна бири Баҳром Абдуллаев қалбаки паспорт билан кўплаб хорижий мамлакатларга борган. У ерда республикамизга қарши фаолият кўрсатаётган турли жиноий уюшмаларнинг ташкилотчилари билан учрашган. Ушбу ташкилотларнинг асосий мақсади эса узоқ хориждан туриб мустақил мамлакатимиз, унинг конституциявий тузумига қарши кураш олиб бориш, ниҳоят, юртимизда «ислом республикаси»ни ўрнатишдан иборат бўлган. Б. Абдуллаев ўтган йилнинг 19 октябрида ҳибсга олинган. У суд жараёнида қилган жиноятларига иқрор бўлди.

Бундай ўта оғир жиноятларда айбланаётганларнинг деярли барчаси суд жараёнида ўзлари амалга оширган жиноятларни тан олмоқда.

Суд жараёни давом этмоқда.

*(ЎзА).*

**Теннис**

## ҚУРЪА ТАШЛАНДИ

**КЕЧА**

***«Интерконтинентал» меҳмонхонасида «Tashkent-Open» халқаро аёллар турнирининг очилишига бағишланган матбуот конференцияси ва қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди.***

Унда сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Э. Эрназаров, Ўзбекистон Республикаси теннис федерациясининг вице-президенти Т. Зокиров, турнир директори Аллон Какшури ва бошқалар Аёллар йилига уйғун равишда илк бор шундай юқори мақомга эришган, Марказий ва Жанубий Осиёда ягона «Tashkent-Open» мусобақаларига кўрилган тайёргарлик ишлари, унда иштирок этаётган А. Смашнова, Т. Панова, Л. Куртос, Е. Куликовская каби биринчи юзталикка кирувчи теннис усталари ўзларининг ажойиб ўйинлари билан турнирнинг нуфузини янада кўтаришини таъкидлаб ўтдилар.

Сўнг қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди. «W-ld card» бўйича асосий сетда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритган ёш, умидли қизимиз Лилия Биктякова омад кулиб боқди — у дастлабки ўйинда саралаш мусобақаларидан чиқадиган теннисчи билан куч синашади. Бироқ агар қизимиз ушбу ўйинни ютса, нимчорак финалда мусобақанинг энг кучли теннисчиси Анна Смашновага рўпара келади. «W-ld card» орқали энг кучлилар орасида беллашаётган яна бир қизимиз — бугунги ўзбек аёллар теннисининг энг кучли юлдузи, рейтинг рақами бўйича 283-ўринни эгаллаб турган Ирода Тўлаганова эса жуда кучли рақиб, 117-рейтинг рақамига эга голландиялик Седа Нурландер билан куч синашади. Ўтган йилги мусобақа ғолиби австралиялик Патриция Вартуш Юлия Абе (Германия) билан беллашади.

**БУГУН**

саралаш турнирининг 3-тур учрашувлари, асосий гуруҳнинг якка тартибдаги дастлабки беллашувлари ўтказилади. Соат 17.00 да эса «Tashkent-Open» халқаро аёллар теннис турнирининг тантанали очилиш маросими ўтказилади.

*Дилшод ИСМОИЛ.*

**1999 — Аёллар йили**

## «ЭНГ ИБРАТЛИ КЕЛИНЧАК» ТАНЛОВИ

Маълумки, Аёллар йили республика Дастури доирасида «Энг ибратли келинчак» 2-Республика кўрик-танлови ўтказилади. Шу муносабат билан Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, «Экосан», «Олтин мерос», «Камолот», «Наврўз», «Маҳалла», «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармалари шаҳар бўлимлари қўшма қарор қабул қилдилар.

Қарорда аёлларнинг жамиятдаги ва оиладаги фаоллигини ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом ва баркамол авлодни шакллантириш, оилада келинчакнинг маънавий ўрнини белгилаш, унинг экологик ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишларини янада яхшилаш мақсадида Тошкент шаҳрида ва пойтахтнинг 11 туманида «Энг ибратли келинчак» кўрик-танловини ўтказиш кўзда тутилган.

Кўрик-танлов шаҳар туманларида шу йилнинг 10 июлигача, пойтахтда эса 10 августгача ўтказилиши белгиланди. Ғолибаларни ҳамда кўрик-танловда фаол иштирок этган келинчакларни Жамғармалар ва ҳомийлар томонидан тайёрланган қимматбаҳо совринлар кутади. Танлов ғолиби бўлиш учун ёш келинчаклар оилада таълим-тарбия, маънавий муҳит, ҳуқуқий саводхонлик, аҳил-тотувлик, оила бюджетини режалаштириш каби масалалар бўйича уй вазифасини бажаришлари, ҳайъат саволларига жавоб беришлари ва истаган соҳаларида бадиий чиқиш қилишлари керак бўлади.

Кўрик-танловга марҳамат, пойтахтнинг соҳибжамол келинчаклари!

*«Халқимизнинг буюк тарихида ўзининг жасорат ва матонати, ақл-заковати, нафосат ва назокати билан ўчмас ном қолдирган Тўмарис, Бибихоним, Гулбаданбегим, Зебуннисо, Нодира, Увайсий, Анбар отин ва бошқа юзлаб аёлларимизни ҳамиша эҳтиром билан тилга оламиз.*

*Улуғ момоларимизга хос бўлган олижаноб фазилатлар бугун ҳам муҳтарам аёлларимиз сиймосида давом этиб келмоқда».*

**Ислом КАРИМОВ.**

# ҲАМ ОҚИЛА, ҲАМ ТАДБИРКОР

***Мирзо Улуғбек туманидаги Аҳмад Югнакий маҳалласида истиқомат қилувчи Гулбаҳор Зайнутдиновани оқилаю тадбиркор, ишчану омилкор аёл десак асло янглишмаймиз. Чунки 6 нафар фарзандининг меҳрибон онажониси, оиласининг ҳамиша очиқ чеҳра бекаси бўлган бу аёл ўз маҳалласининг ҳам жонкуярларидан бири саналади.***

— «Йигит кишига етмиш ҳунар ҳам оз» деган ажойиб мақолимиз бор, — дейди Гулбаҳор Зайнутдинова. — Лекин ҳозирги пайтда буни хотин-қизларимизга ҳам татбиқ этсак янглишмаймиз. Ўз уйида пазанда, чевар, тадбиркор аёлларимиз оиласидан, фарзандларидан ортиб ишлайдилар, жамоат ишларида қатнашадилар, маҳалла юмушларида ҳам жон куйдирадилар. Бундан ташқари ишдан бўш вақтларида ўқиб ҳунар ўрганишга интиладилар. Чунки бизнинг шарқ аёллари азалдан тадбиркор бўлишган.

Гулбаҳор Зайнутдинова ҳам анчагина ҳунар эгаси. Ёшлигидан шўх, абжир ва ҳаракатчан бўлган Гулбаҳор ҳамширaликка қизиқди ва 1974 йили Жуковский номли тиббий билим юртини тугатди. Шу билан бир вақтда бичиш-тикиш сирларини ҳам мукаммал ўрганиш мақсадида техника техникумида таҳсил олди. Аммо унинг қалбида санъатга ҳам иштиёқ баланд эди. Шу боис бўлса керак, ишлаш билан бирга 1986 йилда Маданият институтини битирди. Ҳозирда у «Баҳор» Давлат рақс ансамблида тижорат ишлари бўйича раҳбарлик қилмоқда.

Шу билан бирга Гулбаҳор бор маҳоратини ишга солиб қўшни «Ҳумоюн» маҳалласида хотин-қизларга «Усто-шогирд» услуби асосида бичиш-тикиш сирларини ўргатмоқда. Мана, ҳозиргача 80 дан ортиқ ёшлар унинг қўлида ҳунарли бўлишди.

— Гулбаҳордаги шижоат, интилиш ва ҳаракатни кўриб, қани энди барча аёлларимиз ҳам ўз ҳақ-ҳуқуқларини шундай ҳимоя қилсалар, юртимизга шундай фойда келтирсалар дейман, — дейди «Ҳумоюн» маҳалласи фуқаролар йиғини котибаси Ноила Тўлаганова. — У ўзининг иши, оиласи ва 6 нафар фарзанди тарбиясидан ортиб, маҳалла аёлларига яқиндан ёрдам беради. Мана яқинда у шогирдлари билан яратган келин-куёв либослари билан туман кўрик-танловида фаол қатнашди.

Гулбаҳор Зайнутдинова ўз маҳалласини, унинг қадрдон одамларини эъзозлайди. Маҳаллада ўтказиладиган кўпгина тадбирларда ҳомийлик қилади, хайрия концертлари уюштириб, ёрдамга муҳтож оилаларга кўмак беради. Шу боис ҳам уни маҳалла аҳли ҳурмат қилади.

— Қанийди, қўлидан келадиган ишбилармон ва тадбиркорларимиз азалий анъаналаримизга амал қилиб саховат кўрсатсалар, — дейди Гулбаҳор, — ана шунда кўплаб ёрдамга муҳтож оилалардаги фарзандларимиз ҳам ўз иқтидорларини намойиш этиб, мамлакатимиз равнақига муносиб улуш қўшарди. Ўзимнинг ниятим эса маҳаллада ишлаб чиқариш цехи очиб, маҳсулотлар ишлаб чиқарсам, улардан хотин-қизларимиз баҳраманд бўлишса. Ва албатта, асрлар оша қадрланиб келган меҳр-оқибат туйғуларини янада ошириб, хайр-эҳсон ишларига муносиб улуш қўшиш ниятидаман. Президентимиз 1999 йилни Аёллар йили деб эълон қилдилар. Бунинг учун мен жуда хурсандман ва йилдан тилагим жуда катта — тадбиркорлик ишимни йўлга қўйиш мақсадим бор.

Гулбаҳор Зайнутдинова отаси — Республикада хизмат кўрсатган рассом Аҳмаджон Мансуров (марҳум) ҳамда онаси Ҳидоят аянинг ниятларини амалга оширганидан ниҳоятда мамнун.

— Ҳозирда 80 ёшли онамнинг дуолари ҳамиша менинг йўлларимни ёритмоқда, — дейди у. — Ахир дунёда ота-она дуосидан ҳам табаррук, муқаддас нарса борми?! Улар эса дилбандларига фақат яхшиликни тилайдилар.

Шу боис ҳам Гулбаҳор Зайнутдинова ҳамиша яхши ният, яхши ишлар бошида, унинг қалби одамларга яхшилик қилиш ишқида ёнади.

*Шарофат БАХРОМОВА.*



*СУРАТДА: Гулбаҳор Зайнутдинова онаси Ҳидоят ая билан.*

# ҲАР ЖАБҲАДА ЎРНИ БОР



***Ҳаётимизни нафақат ўз гўзалликлари, балки оқилаю тадбиркорликлари билан безаётган, мустақиллик шарофати билан барча имкониятлардан ишбилармонлик билан фойдаланиб юртимиз равнақига ўз ҳиссасини қўшаётган аёлларимиз бугун унча-мунча эркакларнинг қўлидан келмайдиган вазифаларни уддаламоқдалар. Ҳар бир меҳнат жабҳасида фидокорлик ва тадбиркорлик билан иш юритаётган хотин-қизларни учратиш мумкин.***

***Мамлакатимизда ўрта, кичик ва хусусий бизнесни ривожлантиришга катта эътибор берилаётгани тадбиркорлик йўлини топган аёлларимизни руҳлантириб, янги-янги изланишларга ундамоқда. Пойтахтимизда ҳам тадбиркорликни авж олдираётган, юртимизнинг довруғини, унинг аёллари қудратини жаҳонга ёйиш истагида тер тўкаётган хотин-қизларимиз жуда кўплаб топилади. Тадбиркор аёллар ва уларга кўмак бериш борасидаги вазифаларнинг бажарилиши хусусида «Тадбиркор аёл» республика ишбилармон аёллар уюшмаси раисининг муовини Гулчеҳра ҲАМИДОВА билан суҳбатлашдик:***

**— Гулчеҳра Маликовна, уюшманинг ташкил этилганига 8 йил тўляпти. Шу давр мобайнида ўз вазифасини қандай бажармоқда?**

— Республика ишбилармон аёллар уюшмаси — «Тадбиркор аёл» жамоа ташкилоти бўлиб, сиз эслатиб ўтгандек бундан 8 йил аввал Адлия вазирлиги томонидан рўйхатдан ўтган. Уюшмамизнинг ўз олдига қўйган асосий мақсади мамлакатимизнинг ишбилармон ва тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш, уларга иш бошлаш даврида керакли ёрдам кўрсатиш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборатдир.

Мустақиллик тадбиркорларга кенг имкониятлар йўлини очди. Азалдан тадбиркор ва тежамкор бўлган ўзбек аёллари ўз билим ва маҳоратларини янада кенгроқ намоён этиб, кичик фирмалар, хусусий корхоналар очишга жазм этдилар. Уюшмамиз уларни бирлаштириб, қўллаб-қувватлашда, билим савиясини кўтаришда, иш фаолияти даврида нималарга эътибор бериш лозимлиги хусусида муҳим роль ўйнамоқда.

Шунингдек, мамлакатимизда ҳар йили анъанага айланиб қолган «Ташаббус» кўрик-танловида ҳам тадбиркор ва ҳунарманд аёлларимиз қатнашиб, ўз фаолиятларини намойиш этишмоқда. Уларнинг меҳнатларини кўриб қувонамиз ва имкон қадар уюшмамиз кўмак беришга ҳаракат қилади. Шунингдек, уюшма тадбиркор аёлларга ишларини ривожлантиришлари учун кредитлар олишда ҳам кўмаклашадилар.

**— Сиз бевосита пойтахт тадбиркор аёлларига ҳам энг яқин кўмакчисиз. Шу хусусда ҳам бироз тўхталсангиз.**

— Республика бўйлаб қилинаётган ишлар аввало пойтахтга ҳам қаратилган. Шаҳримизда фаолият кўрсатаётган тадбиркор аёлларнинг 250 нафардан ортиғи уюшмамизга аъзо. Айниқса, бугунги кунда «Зуҳро» хусусий фирмаси раҳбари Зуҳра Сайдаминова, «Худобахш» фирмаси бошлиғи Дилбар Акромхўжаева, «Ҳаётижро» фирмаси раҳбари Жамила Шермуҳамедова, «Робия» фирмаси раҳбари Раъно Охунова, «Ҳамиг» фирмаси раҳбари Татьяна Эгамбердиеваларнинг олиб бораётган ишлари мақтовга лойиқдир.

**— Сизнингча, тадбиркор аёл қандай бўлиши керак?**

— Ҳар бир тадбиркор аёлда ғоя, мақсад бўлиши керак. Энг асосийси, у ўз мақсади йўлида интила олсин, келажагини кўрсин. Биз ана шундай ғоя билан келган аёлларга керакли ҳужжатларни тайёрлаб беришда, қонунларни билишда, керак бўлганда маблағ масаласида ҳам ёрдам берамиз. Ана шу мақсадда уюшмамиз қошида ойда 2 марта бизнес-клублар иш олиб боради, бевосита мулоқотлар ўтказиб турилади. Бу мулоқотларга солиқ, ҳуқуқ, банк ходимлари, тадбиркорлар палатаси мутахассислари таклиф этилади. Жойларда эса мутасадди раҳбарлар билан мулоқотлар тез-тез ўтказилаётгани тадбиркор аёлларимизга катта фойда бермоқда.

Шунингдек, тадбиркор аёл маънавий жиҳатдан ҳам билимга эга бўлиши, ўз юртининг тарихини яхши билмоғи керак. Шунинг учун ҳам биз тадбиркор аёллар билан юртимизнинг тарихий жойларига саёҳатлар уюштириб борамиз.

**— Уюшма ўз фаолиятини юритиши учун маблағни қаердан олади?**

— Уюшмамиз қошида 14 та кичик корхоналар ташкил топган бўлиб, улар ва аъзолар томонидан ажратилган фоиз ҳисобига уюшма ўз фаолиятини юритади. Шунингдек, республикамизда фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб боряпмиз. Уюшмамиз қошида ташкил этилган «Зумрад» маданий маркази мамлакатимизда ва чет элларда ўтказиладиган кўргазмаларда ўзининг ҳунармандчилик маҳсулотларини, санъат асарларини намойиш этади. «Ҳимоя» ҳуқуқий, «Три О» психологик марказларимиз, «ДМ», «Дримс», «Сарсабил» фирмаларимиз муваффақият билан фаолият юритмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, серқирра фаолиятимиз билан хотин-қизларимизнинг ижтимоий ҳаётда фаол иштирокчи бўлишлари учун имкон даражасида ҳамма қулайликларни яратиб беришга ҳаракат қилмоқдамиз. Бизнинг истагимиз аёл қайси соҳада тадбиркорлик фаолиятини олиб бормасин, юртимизга, одамларга, оиласига нафи тегсин. Юртимизга янгилик, янги технологияларни олиб кирсинлар. Бу нарсаларга билими, тажрибаси, ишбилармонлиги етадиган аёлларимиз жуда кўп. Чунки азал-азалдан бизнинг аёлларимиз ўз тадбиркорликлари билан турмуш ўртоқларига яқин кўмакчи бўлишган.

**— Режаларингиз...**

— Аёлларимизга кичик ва ўрта бизнесни ва ҳунармандчиликни ривожлантириш учун имтиёзли равишда кредитлар олишда кўмак беришга ҳаракат қиляпмиз. 1999 — Аёллар йили муносабати билан «Йилнинг тадбиркор аёли» кўрик-танловини ўтказиш кўзда тутилмоқда...

**— Шахсий тадбиркорлигингиз хусусида бир оғиз сўз...**

— Келажагимиз давомчилари, юртимиз яратувчилари — фарзандларимиздир. Менинг мақсадим — фарзандларимиз учун бир ўқув маркази ташкил этишдир. Бу масканда иқтидорли болаларга боғча ёшидан то олий ўқув юртига киргунга қадар билим бериш ва тарбиялашдир.



*1999 — Аёллар йили*

# ҲАЁТ БОҒИНИНГ ГУЛЛАРИ

Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг саҳифаси

# ФАРЗАНДЛАРИМИЗ УЧУН

***Фарзандларимизнинг кенг ва ихчам синфхоналарида, меҳрибон устозлар тарбиясида билим олишлари, албатта яхши. Ана шу синфхоналар замонавий мебеллар — стол-стул, ўқувчиларга мосланган парталар, компьютер ўрнатиладиган мослама столлар билан жиҳозланган бўлса, нур устига аъло нур.***



Пойтахтимиздаги «Катрис» хусусий ишлаб чиқариш фирмаси ана шундай ният йўлида тадбиркорлик ва ишбилармонлик билан иш бошлаганига икки йилдан ошди. Хусусий фирмага ишбилармон ва тадбиркор, эзгу ният ҳамроҳ аёл Наталья Кидисюк раҳбарлик қилади. Унинг саъй-ҳаракатлари боис корхона жамоаси шу давр мобайнида ишлаб чиқарган мебель маҳсулотлари билан анча танилди, ўз харидорларига эга бўлди. Мамлакатимизнинг турли вилоятларидан унинг маҳсулотларига буюртмалар туша бошлади.

— Корхонамизнинг ўзига хос хусусияти шундаки, — дейди Наталья Кидисюк, — биз ўзимизнинг хом ашёдан сифатли ва бежирим маҳсулотлар тайёрлашга эришмоқдамиз. Ишлаб чиқараётган барча мебель маҳсулотларимиз Ўзбекистон Республикаси Давлат стандартининг сифат сертификатларига эгадир. Мутахассисларимиз томонидан ишлаб чиқилган ўқувчилар учун компьютер столларининг патенти бор. Шуни алоҳида таъкидлашим лозимки, биз тайёрлаётган мебеллар Россия, Белоруссия мебель маҳсулотлари билан бемалол рақобатлаша олади ҳамда уларга нисбатан икки баробарга арзон нархдадир.

«Катрис» хусусий фирмасининг ишбилармонлари ўтган йилда республика Халқ таълими вазирлигининг буюртмасига асосан 144 миллион сўмлик сифатли маҳсулот тайёрлаб берди. Бугунги кунда бу мебель маҳсулотларидан мамлакатимизнинг кўпгина билим даргоҳларида — лицей, коллеж, мактабларда кенг фойдаланилмоқда. Ўз фаолияти давомида пойтахтимизда ўтказилаётган тадбиркорларнинг танловларида қатнашиб, диплом ва мукофотлар билан тақдирланиб келмоқда. Яқинда ўтказилган «Ташаббус-98» шаҳар танловида ҳам фахрли учинчи ўринни қўлга киритишди.

Шуниси эътиборлики, ўтган йилнинг ноябрь-декабрь ойларида давлатимизнинг халқ таълими соҳасини қайта жиҳозлашга қаратилган режасига асосан — республикамизда ташкил этилаётган лицей ва коллежлар учун Олий ва ўрта таълим вазирлиги томонидан мебелларга тендер ўтказилди. Ушбу тендерда фирманинг мебель маҳсулотлари 8-тур бўйича ғолиб чиқди. Бу маҳсулотлар қаторига парта, компьютер столи, китоб жавони, ошхона мебеллари, ётоқхоналар учун каравот ва қути, томоша заллари учун мўлжалланган курси ва бошқаларни киритиш мумкин.

— Корхонамизда 44 нафар ишчи-хизматчи фаолият кўрсатади, — дейди Наталья Георгиевна ўз сўзини давом эттириб, — уларнинг ҳаммаси янгиликка интилувчан, ғайратли мутахассислар. Шу боис ҳам улар маҳсулотларнинг янги-янги турларини яратиш йўлида изланаётгани ўз самарасини бермоқда. Шунингдек, жамоамизда харидор талаби, фикр-мулоҳазалари ҳам эътиборга олинади ва шу асосда маҳсулотлар тури яратилади.

Президентимиз ва ҳукуматимизнинг ўрта ва кичик бизнесни ривожлантиришга алоҳида ғамхўрлик кўрсатаётгани «Катрис» мебелсозларини ҳам баракали меҳнат қилишга, иқтисодиётни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшишга ундамоқда. Мебелсозлар ишида сифат ҳамиша биринчи ўринда туриши харидорлар сафининг, буюртмалар сонининг ортишида асосий омил бўлмоқда. Айниқса, Аёллар йилида фарзандларимиз учун бежирим ва замонавий жиҳозлар тайёрлаш уларнинг эзгу ниятидир.

*СУРАТДА: «Катрис» фирмаси раҳбари Наталья Кидисюк.*

# ДЎППИ ТИКДИМ ИПАКЛАРИ ТИЛЛОДАН...

***Матлуба опа ва унинг юзлаб шогирдлари тайёрлаган зардўзлик маҳсулотлари, гилам ҳамда дўппиларни кўздан кечирар экансиз, беихтиёр юртимизнинг қўли гул аёллари меҳнатидан қалбингиз фахр-ифтихорга тўлади, кашталарнинг ҳар қатига битилган меҳр-муҳаббатни, аёл юраги туғёнини дил билан ўқийсиз. Уларда шарқона удумларимиз, миллий қадриятларимиз ўз аксини топганига, момоларимиздан қолган урф-одатларимиз тикланаётганига яна бир бор амин бўласиз.***

Бектемир туманида жойлашган «Дурдона» ўқув-ишлаб чиқариш корхонасининг раҳбари, моҳир зардўз Матлуба Турсунова қарийб 8 йилдирки, юзлаб хотин-қизларимизга ҳунар сирларини ўргатишда ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Шу билан бирга корхона маҳсулотлари нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам ўз харидорига эга бўлмоқда. Бу ўқув-ишлаб чиқариш корхонаси «Усто-шогирд» ва касаначилик усулида фаолият кўрсатади. 7 нафар уста 6 хил йўналиш бўйича ҳунар ўргатишади. Усталарни турли вилоятлардан Матлуба опанинг ўзлари олиб келганлар. Бухоро зардўзлиги, гилам тўқиш, каштачилик, дўппичилик, қўлда тўқиш, попопчилик йўналишларида 16 ёшдан 55 ёшгача бўлган хотин-қизларга ҳунар ўргатилади ҳамда улар иш билан таъминланади. Айниқса, уйда ўтириб қолган ногирон аёлларга ҳам ҳунар ўргатилиб, уларнинг уйда ишлашлари учун шароит яратилмоқа.

— Шу кунгача 6 хил маҳсулотимизни чет давлатларга сотдик, — дейди тадбиркор Матлуба опа, — 1998 йилда «Ташаббус-97» кўрик-танловида туман миқёсида биринчи ўринни эгалладик. 72 хилдаги маҳсулот тайёрлаймиз. Ўзим кўплаб хориж давлатларида бўлдим. Айниқса, Туркия, Покистон, Исроил, Италия, Япония давлатларида маҳсулотларимизга харидорлар бор. Лекин хом ашё топиш масаласида бироз муаммоларимиз бор. Тўғри, фаолиятимнинг 8 йили давомида анча-мунча тўсиқларга дуч келдим. Лекин барибир мақсадим йўлида изландим, интилдим.

Матлуба Турсунованинг елиб-югуришлари бугун ўз самарасини бермоқда. Корхонада иш 3 сменада ташкил этилган. Мактаб ўқувчиларига ҳам дарсдан бўш вақтларида ҳунар сирлари ўргатилмоқда. Айниқса, Инобат Жамилова, Шалола Абдуназарова, Гулсоат Абдухолиқова, Дилором Тўйчибоева, Хосият Мирзажонова каби устозлар қўлида таҳсил олган аёллар тезда мустақил ишлашга ўтмоқдалар.

Аёллар йилида Матлуба опанинг орзулари жуда мўл. Халқимизга манзур бўладиган халқ истеъмоли молларининг янги турларини яратиш йўлида изланмоқдалар. Яқинда яратилган кўркам келин-куёвлар либосининг янги нусхаси эса ёш оила қураётганларга муносиб совғадир.

*Дилноза ҒИЁСОВА.*

*СУРАТДА: Матлуба Турсунова шогирди билан.*

*Рустам Шарипов олган суратлар.*



# ЭЗГУ НИЯТ ЙЎЛИДА



**• Машҳура ЮСУПОВА, «Машҳура» фирмаси раҳбари:**

***— Аввало, тадбиркорлик кишидан жуда кўп меҳнат, изланиш ва интилиш талаб этади. Ана шу сермашаққат йўлларда учраган тўсиқларни фақат эзгу ният йўлида ҳақиқий изланган одамгина илдам одимлай олади.***

Бугунги кунда мамлакатимизда ҳам ўз имкониятини ишга солиб, тадбиркорлик билан шуғулланаётган, юртимиз иқтисодиётини ривожлантириш, мустақил Ўзбекистонимизни жаҳонга танитиш йўлида тинмай меҳнат қилаётган хотин-қизларимиз сафи тобора кўпайиб бормоқда. Айниқса, улар республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг 1999 йилни Аёллар йили, деб эълон қилганликларидан бениҳоя руҳланиб, ушбу йилнинг янада баракали бўлишида ҳиссаларини қўшиш йўлида изланмоқдалар.

Мен раҳбарлик қилаётган «Машҳура» фирмаси 1994 йилда ташкил этилган. Аввалига ёш қизларимизга бичиш-тикиш сирларини ўргатган бўлсак, бугунга келиб ўз фаолиятимизни кенгайтириб, 8 йўналишда иш олиб бормоқдамиз. Эндиликда 14 ёшдан 50 ёшгача бўлган хотин-қизларимизга ҳунар сирларини мукаммал ўргатишда 30 дан ортиқ малакали мутахассисларимиз муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда.

Шунингдек, Бухоро, Самарқанд вилоятларида филиалларимиз мавжуд. Келгусида эса республикамизнинг барча вилоятларида ана шундай филиаллар очиш ниятимиз бор. Бизнинг бичиш-тикиш, пазандалик, сартарошлик курсларимизни битириб чиққан аёлларимизнинг деярли барчаси ишлаб чиқариш цехларида, меҳнат жамоаларида ўз ўрнини топиб, муваффақиятли иш юритмоқда. Ўтган давр мобайнида 8 минг нафардан ортиқ хотин-қизларимиз фирмамизда очилган курсларни битириб чиқишди.

Келгусида иш фаолиятимизни янада кенгайтириш режамиз бор. Мустақил юртимизда ўрта, кичик ва хусусий бизнесни ривожлантиришга катта аҳамият қаратилмоқда. Фирмамиз жамоаси келажакда хорижлик шериклар билан ҳамкорликда иш юритиб, ўз маҳсулотларини ишлаб чиқаришни режалаштириб қўйганмиз.

# ШИРИНЛИКЛАР ТОРТИҚ ЭТИБ



**• Феруза ХОЛИҚОВА, «Baxt-Bilol» хусусий ишлаб чиқариш-тижорат фирмаси раҳбари:**

***— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясида тадбиркорлик ҳақида ҳам алоҳида сўз борди.***

Президентимиз Ислом Каримов ўз маърузаларида «Эркин тадбиркорлик учун иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароит яратиш зарур. Кичик ва ўрта бизнесни кенг ривожлантириш учун ҳамма йўлни очиб бериш лозим» деб таъкидлаб ўтдилар. Бу айнан тадбиркорларнинг дилидаги гап бўлди.

Фирмамиз 1997 йилда ташкил этилган бўлиб, аввало ўз олдимизга мамлакатимиз аҳолисини турли хил ширинликлар билан таъминлашни мақсад қилиб қўйганмиз. Айниқса, маҳсулотларимизнинг рақобатбардошлигини таъминлашга бутун эътиборимизни қаратмоқдамиз. Сессияда ҳам «Рақобат — бозорнинг асосий шарти, айтиш мумкинки, унинг қонуни» эканлиги алоҳида айтилди. Шунингдек, рақобат бўлмаса бозор иқтисодини барпо этиб бўлмаслиги ҳам барчага маълум.

Кичик корхонамизда 30 га яқин одам ишлайди. 7 хил ширинлик ҳамда 20 турдаги музқаймоқ маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйганмиз. Маҳсулотларимиз нафақат пойтахтимизда, балки Жиззах, Самарқанд, Фарғона, Тошкент вилоятларида ҳам ўз харидорларига эга. Шунингдек, ушбу йилда қўшни Қозоғистон ва Қирғизистон давлатлари билан ҳам маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартномаларимиз бор.

Бозор иқтисодиётининг асосий талабларидан бири маҳсулотнинг харидоргир турларини ишлаб чиқаришдан ҳам иборатдир. Шу боис ҳам жамоамизда иккинчи ярим йилликдан бошлаб шоколадли печенье ҳамда мазали тортлар тайёрлашни йўлга қўямиз.

Юртимизда тадбиркорлар ва ишбилармонлар сафининг тобора ортиб бориши Ўзбекистонимизда бунинг учун барча шароитларнинг муҳайё этилаётганидандир. Яқинда бўлиб ўтган сессияда қабул қилинган «Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни ҳам бунинг яққол исботидир. Ушбу Қонунни ҳаётга татбиқ этишда тадбиркорларнинг ўзлари ҳам фаоллик кўрсатмоқлари зарур деб ўйлайман.

# ОМИЛКОРЛИК БИЛАН

***Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманида фаолият кўрсатаётган «Худобахш» қандолат ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонаси бундан 10 йил аввал кичик бир цех сифатида ташкил топган эди. Корхона раҳбари — тадбиркор ва ишбилармон аёл Дилбар Акромхўжаеванинг саъй-ҳаракатлари боис айни кунларда бу ерда маҳсулот турлари кўпайиб, ўз харидорларини топмоқда.***

Кичик цех ўтган давр мобайнида катта бир корхонага айланди. Ҳозир корхонада 60 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланган корхонада 7 хил қандолат ҳамда 5—6 хил нон маҳсулотлари тайёрланмоқда ва харидорларга манзур бўлмоқда.

Халқимизда «Иш билганга минг танга» деган нақл бор. Шу боис ҳам, ишбилармон Дилбар Акромхўжаеванинг ҳар бир ишни оқилона ҳал этиши ўз самарасини бермоқда. Корхона ёнида хизмат кўрсатаётган автосервис хизмати ҳамда музқаймоқ шохобчаси ҳам уларнинг ташаббуси билан иш бошлади. Негаки, ўз халқига, Ватанига сидқидилдан хизмат қилишни тадбиркор аёл ўз бурчи деб билади.

*Дилфуза ҒАНИЕВА.*

*Саҳифанинг тадбиркор аёлларга бағишланган сони материалларини Шарифа ИЛЁСОВА тайёрлади.*

